

**БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА
НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ****Мухторали Ахмедов**

Наманган давлат университети мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6620858>

Аннотация. Ушбу мақолада бошланғич синф мусиқа маданияти дарсларини замон талабларида бўлиши учун зарур бўлган ноанъанавий усуллар ҳамда уларни қўллаш методикалари ёритилган бўлиб, ўқувчиларда болалар асарлари воситасида маънавий тарбия фаолиятини йўлга қўйиши масалалари илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: мажор лади, минор лади, тургун товушлар, интервал, скрипка калити, ноталар чўзими, нота чизиги, кўрғазмалик методи.

**НАЧАЛЬНЫЕ КЛАССЫ ПО МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЕ
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НЕТРАДИЦИОННЫХ МЕТОДОВ**

Аннотация. В данной статье освещено методы проведения уроков музыки в начальных классах средних школах. Научно анализировано вопросы духовной воспитания в детских литературах.

Ключевые слова: мажорный лад, минорный лад, устойчивые звуки, интервал, скрипичный ключ, длительности нот, нотаносец, наглядные пособия.

**ELEMENTARY CLASSES IN MUSIC CULTURE CLASSES
USE OF NON-TRADITIONAL METHODS**

Abstract. In this article, the questions such as “how to organize music culture classes at school to make them more meaning full and up-to-date? And what methods should be used ? have been raised And in response to these questions, the author made his suggestion

Keywords: majors and minors lad, Steady sounds, Intervals, Violin key, Stretch of notes, Notation line, Exhibition method

КИРИШ

Мактабда бошланғич синфларда ўтиладиган дарслар ичида мусиқа дарслари болалар учун энг севимли фанлардан бири десак асло муболаға бўлмайди. Ҳар биримиз ўз ҳаёт тажрибамиздан келиб чиқиб, болалик чоғларимизни эслаб ҳаёл кўзгусидан бир дам бўлсада ўтказиб тафаккур қилиб кўрсак, сўзсиз болалик чоғларимиз ҳаётимизнинг энг гўзал онлари бўлганлигига амин бўламиз. Бунинг боиси, болаликда ҳаётни ҳар бир лаҳзасидан, завқ олишни билганимиздадир. Капалакларнинг учиши, кушларнинг сайраши, китобимиз муқовасидаги чиройли чизилган рангли сурат, бирон чолғу созидан таралаётган куй, оҳанг мурғак қалбимизни асло бефарқ қолдирмаган. Кузатишлар орқали шу нарсага амин бўлдимки, болалик даврида берилган таълим тарбия боланинг келгусида қандай инсон бўлиб етишига жуда катта таъсир этади. Мусиқани, тасвирий санъатни, адабиётни табиатни севган болалардан келгусида қандай касб эгалари бўлишидан қатъий назар, нозик дидли, хуш хулқли, тартиб интизомли, бир сўз билан айтганда, инсонларни безайдиган фазилятлар соҳиби бўлиб етишишганларининг гувоҳи бўлдим.

Президент Ш. М. Мирзиёев томонидан 2019 йил 19 мартдаги йиғилишида ёшлар таълим тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадида олға сурилган бешта муҳим ташаббусида, уларни маданият, санъат, адабиёт, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб

этиш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда китобхонликни кенг тарғиб қилиш, хотин қизларни бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратганликлари муҳим аҳамият касб этмоқда.[1.] Шу нуқтаи назардан, умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти дарсларини янада қизиқарли ноанъанавий шаклларда ташкил этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шуни таъкидлаш мумкинки, Наманган вилоятидаги шаҳар, туман мактабларида ҳалигача бошланғич синф мусиқа сабоқлари номуҳим кадрлар томонидан, аниқроғи бошланғич синф ўқитувчилари томонидан шунчаки номигагина ўтиб келинмоқда. Кўпинча мусиқа маданияти дарслари, Математика, Ўқиш, Она тили дарсларининг давоми сифатида ўтилаётганлиги ачинарли ҳол. Агар таҳлил этилса мусиқа маданияти дарслари асосан қуйидаги фаолиятларини ўз ичига олади.

Жумладан, булар:

1. Мусиқа саводи.
2. Мусиқа тинглаш.
3. Жамоа бўлиб куйлаш
4. Мусиқага ритмик жўр бўлиш.
5. Болалар чолғу созларида ижро.

Одатда мусиқа маданияти машғулотларининг йиллик иш режаси мусиқа услубчилари томонидан аввалдан белгилаб берилади. Мактаб мусиқа тарбиячилари ана шу белгилаб берилган режадан оғишмай машғулотлар олиб боришлари шарт бўлади. Режада жумладан, ҳар бир чорак, ҳамда ўқув йилининг умумий мавзуси белгилаб берилади.

Мусиқа дарсларининг мусиқий саводхонлик қисми болалар учун бир мунча зерикарлироқ туюлади. Шунинг учун дарснинг шу қисмида имкон қадар кўргазмалилик методидан фойдаланиш зарур бўлади. Мисол учун: товушларнинг чўзимларини, ноталарнинг чизикда жойлашувини болаларга тушунтиришда кўпроқ рангли суратлардан, чизмалардан, ребуслардан самарали фойдаланиш, мусиқа саводхонлигини ўзлаштиришни енгиллаштиради. Ҳар бир нота ёнида бирон бир ҳашорат ёки бирон бир буюм сурати бўлиши бир хилликдан яъни машғулотни зерикарли бўлишдан сақлайди. Демак, дарснинг мусиқа саводхонлиги қисмида биз, кўргазмалиликка асосий эътиборни қараташимиз керак бўлади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мусиқа машғулотининг мусиқа тинглаш қисми ҳам болаларни диққатини ўзига ортиқча жалб қилавермайди десак тўғри бўлади. Одатда йиллик режада мусиқа тинглаш учун ҳам, асарлар олдиндан белгилаб қўйилган бўлади. Шу ўринда ислом оламининг машҳур уламоларидан бири имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ўрганиш ҳақидаги ушбу ўғитларини келтириб ўтиш жоиз. “Ўрганиш икки хил бўлади биринчиси, таъсиб қилиб ўрганиш, иккинчиси кашф қилиб ўрганиш.”[2.]

Демакки, дарсларни қатъий стандартлар, қолипларга таяниб ташкил қилиш доим ҳам тўғри бўлавермайди. Мени таклифим шуки, машғулотларни мусиқа тинглаш қисмида аввало миллий чолғу созларида ижро этилган куйларни болаларга эшитишга қўйиб, аста

секин дутор, танбур, рубоб, най, ғижжак каби созларни товушларини бир биридан фарқлашни ўргатиб бориш тўғри бўлади. Мусиқа тинглаш жараёнида чолғу созларини болаларга намойиш қилиш зарур бўлади. Шунини унутмаслигимиз керакки, мусиқа машғулотларини бошиданоқ болалар тезроқ қўшиқ куйлашга ошиқадилар. Албатта дастлаб овоз қиздириш машқлари бажарилади. Овоз қиздириш машқларида фақатгина овозни қўшиқ айтиш учун тайёрлашнигина мақсад қилиб қўймаслигимиз керак. Болаларга таниш, куйлаш учун қулай бўлган, ҳоҳ мажор, ҳоҳ минор ладида бўлган “Чаманда гул”, “Чимчилаб чимчилаб”, “Ёмғир ёғолок” каби халқ қўшиқларининг нақорат қисмидан овоз созлаш машқлари сифатида фойдаланишимиз мумкин. Биз шундай қилганимизда бир йўла овоз созлаймиз, ҳамда болаларда халқ қўшиқларига бўлган меҳр муҳаббат туйғуларини шакллантирамиз.

Дарснинг бевосита жамоа бўлиб куйлаш қисмига тўхталадиган бўлсак, мусиқанинг куйлаш фаолияти билан бажариладиган болалар учун энг сеvimли ҳамда мароқли қисми саналади. Куйлаш учун олинган асар ўқувчиларга маъқул келиши учун, куйи ёдда қоладиган, кўпроқ квинта, кварта интервалли куй сақрамаларидан тузилган, оҳанги таъсирли сўзлари эса тушунарли равон бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолларда ўқитувчи асарни болалар қулоғига сингдира олиши жуда қийин кечади. Бундай вазият рўй берганида ҳар бир тажрибали мусиқа тарбиячиси заҳира учун аввалдан тайёрлаб қўйган асарлардан бирини зудлик билан болаларга ўргатишни бошлаш керак. Шу ўринда ўзбек болалар қўшиқчилигини асосчилари ҳисобланган қатор композиторлар: Фаттоҳ Назаров, Илёс Акбаров, Мардон Насимов, Ғофур Қодиров, Собир Бобоев, Карим Абдуллаев, Соня Абрамова, Манас Левиев, Мутал Бурхонов, Шермат Ёрматовлар томонидан яратилган бир биридан мазмун жихатдан ранг баранг ажойиб умри боқий қўшиқлардан куйлаш учун олиш айна муддао бўлади. Мен бу таклифни, кўп йиллик меҳнат тажрибамга таяниб, бевосита амалиётда ўзим синовдан ўтказган, услуб сифатида ёш мусиқа тарбиячиларига тавсия қиламан.

МУҲОКАМА

Юқорида номи зикр қилинган иқтидорли композиторлар томонидан қарийиб бундан олтмиш, етмиш йиллар аввал яратилган бўлсада халигача ўзининг бадиий ва тарбиявий қимматини йўқотмаган асарлар қаторига куйидаги болалар қўшиқларини мисол келтиришимиз мумкин. “Мақтабим” “Кўйлагим” “Пахтаой” Ф. Назаров. “Булбулчам” “Аҳмаджон боғбон” М.Насимов. “Биз эккан арча” “Бобом улуғ ёшида” Ғ Қодиров. “Саман тойчоқ” “Булбул” С. Бобоев. “Сайранг қушлар” “Саъва” И.Акарбов. “Янги йил қўшиғи”, “Рўмолчам” К.Абдуллаев, “Насибанинг қўшиғи”, “Онажон” С.Абрамова ва яна кўплаб асарлар. Шу ўринда Наманганлик таниқли болалар шоири ва бастакори Маҳмуджон Дадабоев томонидан ижод қилинган “Онажоним”, “Она диёр мадҳи”, “Чиройли”, “Сайранг булбуллар”, “Кичкина” сингари қатор болалар қўшиқларидан мусиқа машғулотларида фойдаланишимиз мумкин. Маҳмуджон Дадабоев Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг аъзоси, “Турон” академиясининг академги сифатида у кишининг қўшиқ ва шеърлари бошланғич синф дарсликларида босилиб чиққанлиги биз учун қувонарли ҳол.

Юқорида номи келтирилган композиторларнинг асарларидан машғулотларда фойдаланишнинг яна бир муҳим ижобий томони шундан иборатки, устоз

бастакорларимиз ўзбек миллий мусиқамиз дурдоналаридан яхшигина хабордор бўлганликлари боис, улар яратган асарларда миллий мусиқамиз руҳи яққол сезилиб туради. Улар ижод қилган кўплаб кўшиқларда халқ мусиқа ладларнинг оҳанглари мавжуд. Шунинг учун ҳам бу асарлар халигача ўз жозибасини йўқотмай келмоқда деб айта оламиз. Сўзимизнинг исботи тариқасида композиторларимиз кўшиқларидан баъзиларини мусиқий таҳлил қилиб кўрсатмоқчимиз. Композитор Мардон Насимов томонидан яратилган ушбу кўшиқ бир неча бор мактаб мусиқа дарсликларига киритилган. Кўшиқ 6,8 ўлчовида, ре минор тонлигида ёзилган бўлиб, болала куйлаши учун диапазон жиҳатдан ҳам жуда қулай. Кўшиқ сўзлари ўқувчилар учун тушунарли, ёдда қоларли. Асарда табиатнинг мўъжазгина сайроқи қуши булбулча мадҳ этилади. Асарни болаларга ўргатишдан аввал, ўқитувчи бу ажойиб қушча ҳақида сўзлаб бериши ва шу кўшиқни болаларга ўргатиш жараёнида уларда она табиатга ҳамда унинг қўйнидан паноҳ топган хайвонот, қушлар оламига меҳр муҳаббат туйғуларини шакллантириши мумкин.

ХУЛОСА

Иккинчи асар, ўзбек болалар кўшиқчилигининг асосчиларидан композитор Ғофур Қодиров томонидан яратилган ушбу кўшиқда, ҳамма учун бирдек суюкли бўлган, оналар меҳнати уларнинг бунёдкорлиги ёқимли оҳанглари тараннум қилинади. Мусиқа ўқитувчиси ушбу мавзу орқали оналарнинг тенгсиз заҳматлари, ҳар бир инсоннинг дунёга келишидан тортиб, то камолатга етишувигача қадар уларнинг фидокорликлари ҳақида ўқувчиларга тушунча бериши керак бўлади. Агар зарурати бўлса ўтилаётган мавзунини янада мустаҳкамлаш мақсадида, шу мавзуга мазмунан яқин бўлган ривоят, эртак, ҳикоялардан тарбиячи болаларга сўзлаб бериши мумкин. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, мусиқа маданияти дарсларини қизиқарли бўлишида, дарсларнинг структурасига яъни шаклига эмас, балки мазмунига асосий эътиборни қаратишимиз, кўзланган мақсадга эришишга асосий омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. 2019 йил 19 мартдаги йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш тўғрисидаги маърузаси.
2. Комилов Н. Тасаввуф.-Тошкент: Ўзбекистон, 2009.-Б. 47
3. Ортиқов Т. "Мусиқа ўқитиш методикаси" Тошкент 2010 йил.